



## ЁШЛАР МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ

Турсунова Лайло Эргашевна

Фарғона давлат университети Санъатшунослик факултети  
муסיқий таълим ва маданияти кафедраси ўқитувчиси  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7964684>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> May 2023

Accepted: 22<sup>th</sup> May 2023

Online: 23<sup>th</sup> May 2023

### KEY WORDS

Миллий, мафкура, ғайри  
инсоний, тараққиёт, мақом,  
ворисийлик, фольклор,  
бахшичилик, форум.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада дидактик тарбия интеграцияси асосида ёшларнинг муסיқа маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий - фалсафий омилларини ҳаётга тадбиқ этиш бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолаётганлиги масалалари атрофлича ёритиб берилади. Шунингдек, баркамол авлод камолотида муסיқа тарбиясини амалга оширишда мазкур соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаётган таълим муассасалари катта аҳамият касб этаётганлиги илмий асослаб берилади.*

Бугунги кунда ўзбек миллий муסיқа маданиятининг ёшлар шахсини юксалтиришдаги аҳамияти ва ролига янгича ёндашув ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Бунда, айниқса, узоқ йиллар мобайнида онгимизга сингдирилиб келган коммунистик мафкуранинг ғайриинсоний ақидаларидан воз кечишимиз, ҳодисаларга миллий рух нуқтаи назардан ёндашувимиз муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий муסיқа маданияти муайян бир миллатнинг ҳис-туйғу ва кечинмаларини ифода этади, шунинг учун ҳам унга миллийлик хосдир. Унда миллатнинг бутун кечмиши, тарихи, фантазияси, эстетик диди, орзу ва армонлари, қувонч ва ташвишлари, дард ва аламлари мужассам бўлади. Шунинг учун ҳам миллий муסיқа санъатисиз Ватан мустақиллиги учун фидоий инсонларнинг вояга етишини хатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Ёшларнинг муסיқий маданиятини юксалтиришда халқнинг миллий маданий, тарихий мероси катта аҳамият касб этади. Дастлабки йиллардаги тажрибалардан шу нарсалар аён бўлмоқдаки, анъанавий муסיқий мерос ва мутафаккирларнинг ёшларда муסיқий маданиятни шакллантиришга хизмат қиладиган фикрлари ва қарашларидан фалсафа ҳамда педагогикада унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятнинг янги тараққиёти босқичида ёшлар муסיқа маданиятини юксалтириш, такомиллаштириш юзасидан бир қатор тизимли ишлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда ёшлар орасида муסיқа санъатига, унинг ижтимоий натижаларига ижобий муносабат шаклланмоқда. Айниқса, аждодларимиз босиб ўтган



маданий тараққиёт йўлини чуқур таҳлил қилиш, тафаккур тарзини ўзгартириш, ёшлар фаоллигини таъминлашда мусиқа маданияти анъаналари мезонларига янгича ёндашув ҳамда омилларини ишлаб чиқиш барқарорликни таъминловчи ва юксалтирувчи куч. Бу эса ёшларнинг оммавий ижтимоий фаоллигига эришиш учун замин тайёрлайди.

Ҳар қандай маданият, жумладан, мусиқа маданияти ҳам бошқа халқлар санъати билан узвий боғлиқликда ривожланади, бироқ, ҳеч қачон у миллий заминдан ажраб, узилиб қолмайди. Ўзбек миллий мусиқа маданияти ва санъати маҳаллий халқларнинг миллий оҳанглари заминиди шаклланиб келган. Ҳар бир миллий маданият учун айна вақтда умуминсонийлик хосдир, умуминсонийлик миллийлик орқали намоён бўлади. Мусиқа маданиятининг миллийлиги мазкур халқнинг узоқ тарихий кечмиши, турмуш ва ҳаёт тарзи, меҳнат маданияти ва миллий анъаналар билан узвий боғланган бўлади. Миллий мусиқа маданияти ва санъати халқ ҳаётининг бадиий акс-садоси сифатида вужудга келади. У кишиларнинг кайфияти ва меҳнат фаолиятига, шунингдек, уларнинг миллий тафаккурига жуда кучли таъсир кўрсатади.

Ёшларнинг мусиқий маданиятини юксалтиришда халқнинг миллий маданий, тарихий мероси катта аҳамият касб этади. Дастлабки йиллардаги тажрибалардан шу нарсалар аён бўлмоқдаки, анъанавий мусиқий мерос ва мутафаккирларнинг ёшларда мусиқий маданиятни шакллантиришга хизмат қиладиган фикрлари ва қарашларидан фалсафа ҳамда педагогикада унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ёшлар мусиқа маданиятини юксалтирмай, уларда миллий мусиқа маданияти ва санъатини ривожлантирмай туриб, маънавий ҳаётда пайдо бўлган ва асоратли из қолдирган инқирозларни бартараф этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ёшларнинг мусиқа маданиятини юксалтирмоқ учун дастлаб мактабгача таълим муассасалари, кейин мактабларда ўтилатган мусиқа маданияти дарслари сифатини тубдан яхшилаш, мусиқа ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ёш авлод қалбига миллий мусиқа оҳанглари олиб кириш, айниқса, муҳимдир.

“Бугун биз мамлакатимизда миллий тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўймоқдамиз. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган жадал ўзгариш ва янгиланишлар маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил давом эттирилмоқда”

Ёшларда мусиқа маданиятни юксалтириш уларнинг олий таълим муассасасигача бўлган ҳаётини тайёргарлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бунда уларнинг олий таълим муассасаларига маълум амалий кўникма ва малакаларга эга ҳолда келишлари, уларда ҳис-туйғу, тафаккур, ирода сифатлари маълум даражада шаклланган бўлиши, миллий мусиқа маданиятига нисбатан қизиқиш хусусиятининг мавжудлиги шахснинг камол топиши учун асосий замин бўлиб ҳисобланади.

Миллий мусиқа барча санъатлар ичида ўзининг мутлоқ эркинлиги ва нафислиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларни ўрганмай ва уларга таянмай туриб, миллий маданиятимизнинг маънавий-руҳий пойдеворини яратиш ҳам, шунингдек, ёшлар мусиқа маданиятини юксалтириш, аждодлар анъаналарига содиқ ватанпарвар авлоднинг вояга етказиш мумкин эмас.



Ҳозирги кунда халқимиз томонидан асраб авайлаб келинаётган ва абадийликка дахлдор мақом мусиқалари, халқ анъанавий қўшиқлари донишманд ва ижодкор аждодларимизнинг буюк кашфиёти, маънавий камолоти сари ташлаган салмоқли қадамидир. Шу ўринда шуни мамнуният билан таъкидлаш ўринлики, ўзбек халқининг неча асрлардан буён бизгача мерос сифатида етиб келган ўзбек миллий мусиқа санъати дурдоналари бугунга келиб тўлиқ тикланган ва ноталаштирилган.

Мусиқа санъатининг миллий маданиятни ривожлантиришдаги ўрни ва роли бениҳоя катта. Аҳмад Дониш айтганидек, "...ҳақиқий бахт бойликда эмас, аксинча, маънавий ҳаётни мушоҳада этишда, шахснинг мусиқачилар, қўшиқчилар, шоирлар билан бўлган мулоқотларидан оладиган ҳақиқий маънавий роҳатида, лаззатланиши ва қониқишидадир"<sup>1</sup>. Демак, маънавий роҳат ва лаззатланишга йўналтирувчи ҳодиса сифатида мусиқа жамиятнинг фаровонлигини, ёки унга эришиш учун истак-хохишини ҳам кўрсатиб беради.

Кейинги йилларида маънавий қадрятларимизнинг тикланиши, ўзбек миллий мусиқа санъатини янги босқичга олиб чиқишда, ўтган улуғ устозларимиз ижоди ва фаолиятини, уларнинг ўзига хос ва бетакрор ижрочилик маҳоратини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш учун катта имкониятлар яратилмоқда. Халқимизнинг бадиий-эстетик маданияти, жумладан, миллий мусиқа санъати тарихида ўчмас из қолдирган ҳар бир санъаткор ҳеч шубҳасиз, ўзи яшаган давр руҳини, мухлисларининг эстетик диди, маънавий эҳтиёжлари ва салоҳиятини ўзида тўла мужассамлаштирган, ўз асарлари билан замондошларининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилган. Маънавий маданиятни ёшлар ўртасида тарғиб этишда миллий мусиқа санъати дурдоналарини ва унинг ривожига салмоқли хисса қўшган буюк санъаткорлар ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш катта тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эгадир. Отабоболаримиздан мерос бўлиб келаётган бебаҳо миллий қадрятларни ва анъаналаримизни имкони борича тўлароқ тиклаш, тарихий-маданий ёдгорликларимизни, шу жумладан, мусиқий меросимизни муваффақият билан ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларимизни ҳар томонлама етук баркамол бўлиб етиштиришларида астойдил хизмат қилиш ҳар бир устознинг (қайси касб эгаси бўлмасин) энг долзарб вазифаси бўлиши бугунги куннинг талабидир.

Миллий мусиқа маданияти модернизацияси турли омиллар таъсир кўрсатадиган динамик жараён бўлиб, миллий мусиқа маданиятининг бир-бирини такрорламаслиги, уларнинг фарқли жиҳатлари ва ўзига хос томонлари, омиллари мавжуд. Бундай омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: объектив ва субъектив. Объектив ва субъектив омиллар эса, ўз навбатида агрессив ва позитив характерга эга бўлиши мумкин.

Ижтимоий ҳаётнинг объектив ва субъектив омиллари бир-бири билан диалектик тарзда ўзаро таъсир қилади. Мазкур жараёнда объектив омиллар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мусиқа маданияти модернизациялашувини таҳлил қилиш, унинг агрессив жиҳатларини олдини олиш ва позитив жиҳатларини амалиётга тадбиқ этиш интеграция жараёнининг муҳим томонларидан бири эканлиги ўз аксини топган.

<sup>1</sup> Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи нашриёти. 1996. –Б. 150



Ёшлар мусиқа маданиятини юксалтиришнинг объектив омилларидан бири мусиқа санъатининг ижтимоий ҳаётда ўзига хос ўринга эга бўлиб, мазкур жараён миллий маданият ривожига қўядиган янги талаблардир. Жумладан, Мақом – мусиқа санъатини ривожлантириш, фольклор санъатини тиклаш, бахшичилик санъатини ривожлантириш бўйича Президентимизнинг Фармон ва Қарорлари ҳамда 2018 йилда Термиз шаҳрида ташкил этилган “Бахшилар мактаби”нинг, Миллий Мақом марказлари ва мактабларининг ташкил этилиши, шунингдек, 1997 йилдан буён катта йўлни босиб ўтган “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалининг ўзига хос шаклланиб бориши ёшлар мусиқа маданияти юксалтиришнинг объектив омиллари сифатида кўрсатиш мумкин. Мазкур мактаблар бахшичилик, миллий Мақом санъати анъаналарини ўрганиш ва уларни давом эттириш, истеъдодли ёшларни кашф қилиш ҳамда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшлар мусиқа маданияти мазкур соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишларга жавоб бера олиши, унинг негатив таъсирини олдини олиши ҳамда ўз ўзини бойитиб бориши лозим. Масалан, фольклор, миллий Мақом ҳамда бахшичилик санъати – халқ бойлиги бўлиб, ўз бойлигини асраб қола олган халқ эса бахтлидир. Шунга кўра, мусиқа маданиятининг пойдевори бўлган мазкур санъат дурдоналари асосида ижро этиладиган куй ва қўшиқлар ёшлар мусиқа маданиятини юксалтиришда субъектив омил сифатида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё халқларининг мусиқий амалиётидан бизга шу нарса маълумки, ҳар бир халқнинг ўз куй йўналишлари ва уни басталаш усуллари мавжуд. Ўрта осие халқлари мусиқий асарларига эътибор берганимизда ўзбек миллий мусиқаси тожик, қорақалпоқ, уйғур халқлари мусиқаларига ҳамоҳанг бўлишини англашимиз мумкин. Ҳар бир халқнинг мусиқа маданияти тарихи шу халқнинг мусиқа маданиятидан, шу халқнинг умумий тарихидан келиб чиқиб, асрлар суронида тобланади ва такомиллашиб боради.

Ўзбекистоннинг бой мусиқа маданияти, унинг ноёб тарихий ўтмиши, бебаҳо фалсафий ва маънавий мусиқий мероси ижтимоий жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Мусиқа маданиятининг ривожланишида жамият базасига монанд келадиган сиёсий устқурмаси ва унда хал қилувчи аҳамиятини ўйнайдиган давлатнинг роли айниқса каттадир.

“Мусиқа маданияти ва санъати инсоннинг ижтимоий фаол мавжудот бўлиб шаклланиши билан ҳамоҳанг тарзда одамзоднинг табиат ва жамиятдаги ўрни ва фаолиятини бегиловчи меҳнат, ижод ва яшаш шароитлари натижаси сифатида пайдо бўлади”<sup>2</sup>.

Мусиқа маданияти оламини билиш, ҳис қилиш, идрок этиш ва унинг гўзалликларидан лаззатланишнинг алоҳида бир шаклидир. У гўзаллик ва мукамаллик қонунлари асосида яшайди ва ривожланади. У шу маънода мусиқа – дин, фан ва фалсафа билан бир қаторда туради, инсондаги инсонийликни камол топтиради, олам сирларини кашф этади.

Миллий мусиқа маданияти муайян бир миллатнинг ҳис-туйғу ва кечинмаларини ифода этади, шунинг учун ҳам унга миллийлик хосдир. Унда миллатнинг бутун

<sup>2</sup> Феруза Асқар. Мусиқа ва инсон маънавияти. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2000. –Б. 31



кечмиши, тарихи, фантазияси, миллий руҳи, эстетик диди, орзу ва армонлари, қувонч ва ташвишлари, дард ва аламлари мужассам бўлади. Шунинг учун ҳам миллий мусиқа санъатисиз ватан мустақиллиги учун фидойий инсонларнинг вояга етишини хатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ёшларнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий тарбиясида жуда катта ўринга эга. Фольклор, миллий Мақом ҳамда бахшичилик санъати қайси мавзуга мансуб бўлишидан қатъий назар, уларда адолат, иймон, меҳр муҳаббат, инсонийлик, мурувват, яхшилик қилиш, самимийлик, ота-онани эъзозлаш, Ватанни севиш каби бир қанча хислатлар улуғланади, иллатлар қораланади. Шунинг учун ҳам фарзандларимизга болалигиданоқ мазкур санъатлар асосида тарбиялаш жуда муҳимдир.

Жамиятнинг янги тараққиёти босқичида ёшлар мусиқа маданиятини юксалтириш, такомиллаштириш юзасидан бир қатор тизимли ишлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда ёшлар орасида мусиқа санъатига, унинг ижтимоий натижаларига ижобий муносабат шаклланимоқда. Айниқса, аждодларимиз босиб ўтган маданий тараққиёт йўлини чуқур таҳлил қилиш, тафаккур тарзини ўзгартириш, ёшлар фаоллигини таъминлашда мусиқа маданияти анъаналари мезонларига янгича ёндашув ҳамда омилларини ишлаб чиқиш барқарорликни таъминлов ва юксалтирувчи куч. Бу эса ёшларнинг оммавий ижтимоий фаоллигига эришиш учун замин тайёрлайди.

Бугунги кунда ижтимоий онгда мусиқа маданиятини ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Жамиятнинг янги ривожланиш босқичида ҳам миллий қадриятларни асраш, хусусан, миллий мусиқий меросни асраш асосида мусиқа маданиятини ривожлантиришга доир турли тадбирлар, лойиҳалар ва таълимий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу орқали ўзбек миллий мусиқий меросни қадрлаш, уни асраб-авайлашга доир қадриятли фаолиятни йўлга қўйиш мақсад қилинмоқда. Бундай ҳукумат даражасидаги ислоҳотлар негизида миллий мусиқий меросни асрашга доир илмий тадқиқотларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу орқали миллатнинг миллий хусусиятларини сақлаб қолиш, унинг тарихига бўлган муносабатини ёш авлодларга билим сифатида қолдириш ҳамда унга қадриятли муносабатни қарор топтириш кўзда тутилмоқда. Шу боис ҳам мазкур тадқиқот ишида ҳам фалсафа фанлари доирасида мусиқий маданиятни юксалтириш вазифалари белгилаб олинди.

Ҳар қандай маданият, жумладан, мусиқа маданияти ҳам бошқа халқлар санъати билан узвий боғлиқликда ривожланади, бироқ ҳеч қачон у миллий заминдан ажраб, узилиб қолмайди. Ўзбек миллий мусиқа маданияти ва санъати маҳаллий халқларнинг миллий оҳанглари заминидан шаклланиб келган. Ҳар бир миллий маданият учун айна вақтда умуминсонийлик хосдир, умуминсонийлик миллийлик орқали намоён бўлади. Мусиқа маданиятининг миллийлиги мазкур халқнинг узоқ тарихий кечмиши, турмуш ва ҳаёт тарзи, меҳнат маданияти ва миллий анъаналар билан узвий боғланган бўлади. Миллий мусиқа маданияти ва санъати халқ ҳаётининг бадиий акс-садоси сифатида вужудга келади. У кишиларнинг кайфияти ва меҳнат фаолиятига, шунингдек, уларнинг миллий тафаккурига жуда кучли таъсир кўрсатади.



Муסיқа санъати кишиларнинг табиат билан ўзаро мулоқотида, уларнинг ижтимоий билим ва тажрибалари натижасида ўз аксини топади. Халқларнинг муסיқа санъатидаги яқинлик ва муштараклик ҳам мазкур халқлар турмуш тарзи, ҳаёт фалсафаси ва ҳиссий кечинмаларида намоён бўлади. Лекин шунга қарамай, дунё халқларининг ҳар бири, жумладан, ўзбек халқи кўп асрлик тарихи мобайнида ўзига хос такрорланмас бадиий маданият яратганлар.

Ёшлар муסיқа маданиятини юксалтиришнинг объектив омилларидан бири муסיқа санъатининг ижтимоий ҳаётда ўзига хос ўринга эга бўлиб, мазкур жараён миллий маданият ривожига қўядиган янги талаблардир. Жумладан, Мақом – муסיқа санъати ривожлантириш, фольклор санъатини тиклаш, бахшичилик санъатини ривожлантири бўйича Президентимизнинг Фармон ва Қарорлари ҳамда 2018 йилда Термиз шаҳрида ташкил этилган “Бахшилар мактаби”нинг, Миллий Мақом марказлари ва мактабларининг ташкил этилиши, шунингдек, 1997 йилдан буён катта йўлни босиб ўтган “Шарқ тароналари” муסיқа фестивалининг ўзига хос шаклланиб бориши ёшлар муסיқа маданияти юксалтиришнинг объектив омиллари сифатида кўрсатиш мумкин. Мазкур мактаблар бахшичилик, миллий Мақом санъати анъаналарини ўрганиш ва уларни давом эттириш, истеъдодли ёшларни кашф қилиш ҳамда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Шарқ тароналари” фестивали бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан муסיқа оламининг йирик халқаро форуми сифатида эътироқ этилгани ва бу ибора дунё бўйлаб баралла янграётгани, ҳеч шубҳасиз, унинг нуфузи ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради<sup>3</sup>.

Яна бир халқона муסיқий йўналиш мумтоз анъанавий муסיқий ижрочилиги соҳасида ҳам эътиборли ишлар амалга оширилди. Асрлар қаъридан аждоқларимиздан бизга мерос бўлиб келган халқ анъанавий муסיқамиз ўзига хос тарзда давом этмоқда. Айниқса, кейинги йилларида халқ мумтоз қўшиқчилиги, халқ бахшичилик санъатини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу борада ўз даврида Президент фармони билан “Ўзбекистон Республикаси халқ хофиси”, Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси“ фахрий унвонларининг таъсис этилиши ушбу соҳага бўлган эътибордан далолатдир.

Ашула, муסיқа, рақс, фольклор ижрочилиги санъати миллий муסיқа санъатининг халқ ҳаёти ва ижоди билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ва ривожланиб келган қадимий санъат турларидан ҳисобланади. Айниқса, халқимизнинг анъанавий руҳдаги қўшиқлари ўлмас мерос бўлиб, барча даврлардагидек бугун ҳам “лаббай” деб жавоб бермоқда. Лекин шу билан бир қаторда фақат тарихга сажда қилмай, бугунги куннинг руҳига мос тарзда қўшиқлар яратиш эса миллий мафкурамизни ривожлантиришда бош омиллари бўлган муסיқий санъати билан шуғулланаётган барча мутахассис ва санъаткорларга муҳим вазифа қилиб қўйилиши табиийдир<sup>4</sup>. Мамлакатимиз тамомила янги жамият, янги турмуш ва янги ҳаётни бошлаб юборди. Одамларимиз қалби, тафаккури ва тасавурида ўзгаришлар пайдо бўлмоқда. Бундай

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 2018. 2-том. –Б. 443

<sup>4</sup> Маннопов С. Ўзбек халқ муסיқа маданияти. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. –Б. 12.



шароитда эса ёшларда миллий муסיқий меросни асраш асосида муסיқа маданиятини юксалтиришга долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис ёшларнинг миллий муסיқий меросни асраб-авайлашга доир билимларини ошириш, муסיқа назарияси ва тарихи, муסיқий асрларнинг яралиши ва муסיқашунос олимларнинг таҳлилларини ўрганиб боришлари жуда муҳим саналади. Мисол учун, Юнус Ражабийнинг “Ўзбек халқ чолғу муסיқаси” деб номланган тўпламидан ўрта асрлардаги ва кейинчалик яратилган муסיқа трактатларида чолғу асбоблари ва уларда ижро этиладиган асарлар тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Бу борада Абу Наср ал-Фаробийнинг “Муסיқа ҳақидаги рисола”сига алоҳида урғу бериб, чолғу асбоби ва муסיқий оҳанг уйғунлигининг инсон эстетик оламига таъсирига доир айрим фактик мулоҳазани баён этади<sup>5</sup>. Халқ муסיқа ижодиётини илмий таҳлил қилиш, муסיқа илмини амалиёт билан боғлаш борасида ўзбек муסיқашунос олимларининг хизматлари беқиёс бўлмоқда.

Муסיқа тарбиявий жараёнларда иштирок этар экан, унинг маънавий ҳодиса сифатидаги моҳияти ва аҳамияти янада бўрттириброқ кўзга ташланиши, шунинг учун муסיқага ҳам фалсафий, ҳам ахлоқий изланишлар объекти сифатида мурожаат қилинади. Муסיқанинг тарбия жараёнларидаги иштироки унинг ижтимоий хусусиятларига кўра белгиланади. Шунинг учун муסיқанинг тарбиявийлик хусусиятига одатда икки хил ёндашилади. Биринчидан, муסיқа ҳаракатлантирувчи ва покловчи ижтимоий-маънавий ҳодиса. Иккинчидан, муסיқа – кўнгилочар ижтимоий-манфаатдорлик манбаи. Ҳар иккала ёндашувда ҳам муסיқанинг тарбия жараёнларидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Улуғ аждодларимиз ўз муסיқа маданиятининг инсон шахсини камол топтириш, олижаноб инсоний фазилатларни тарбиялашдаги аҳамиятига юксак баҳо берганлар. Жумладан, муסיқа санъатининг барча турлари кишиларга бадий-эстетик завқ берибгина қолмай, илмий тушунчалар билан ифодалаш ғоят мушкул бўлган олам сирлари ҳақида билимлар берилиши, ҳаёт ҳақиқатини бадий-эстетик воситалари орқали идрок этишга яқиндан ёрдам кўрсатишини ўзларининг асарларида баён этганлар.

Ўзбек муסיқа маданиятида халқимизнинг узоқ тарихи, орзу-армонлари, ҳаёт ҳақидаги билим ва тасаввурлари мужассамлашгандир. Ҳар бир халқнинг маънавий салоҳияти, жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси унинг муסיқий маданияти билан белгиланади.

Ватан тарихи воқеа ва ҳодисалар тарихидан иборат эмас, балки, маънавий юксалиш тарихидир. Ҳозирги халқимиз тамонидан асраб авайлаб келинаётган ва абадийликка дахлдор мақом муסיқалари, халқ анъанавий қўшиқлари донишманд ва ижодкор аждодларимизнинг буюк кашфиёти, маънавий камолоти сари ташланган салмоқли қадамидир.

Янги Ўзбекистонда маънавий қадриятларимизнинг тикланиши, ўзбек муסיқа маданияти янги босқичга чиқиши, улуғ устозларнинг ижоди ва фаолиятини, уларнинг ўзига хос ва бетакрор ижрочилик маҳоратини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб

<sup>5</sup> Юнус Ражабий. Ўзбек халқ чолғу муסיқаси. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1981. – Б.126.



этиш ҳамда муסיқа маданиятининг объектив ва субъектив омиллари ўрганиш учун катта имкониятлар яратди. Бу эса, муסיқа маданияти тарихида ўчмас из қолдирган ҳар бир санъаткор ҳеч шубҳасиз, ўзи яшаган давр руҳини, мухлисларнинг эстетик диди, маънавий эҳтиёжлари ва салоҳиятини ўзида тўла мужассамлаштирган асарлари билан замондошларининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилганлар. Шунга кўра, ёшлар муסיқа маданиятини юксалтиришда муסיқа санъати дурдоналари билан унинг (муסיқа маданиятининг Л.Т.) ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк санъаткорлар ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш катта тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эгадир.

Демак, ёшларда миллий муסיқий меросга масъулиятли муносабатни шакллантириш орқали уларда юксак фикр ва туйғулар, нафосат, дил қувончлари, армон ва орзулар ҳосил қилиши, уларнинг ижодкорлик қобилиятини ошириши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, санъат гарчанд фандан кўра ўзига хос усулда кўзда тутган мақсади ҳам бир қадар бошқача бўлсада, илм-фан билан доимо узвий боғлиқ. Чунки, муайян санъат асари илмий ўрганилаётган ижтимоий муаммоларни ҳам қамраб олади.

Мамлакатимизда муסיқа санъатини ривожлантиришнинг мақсадли йўналтирилганлигини миллий муסיқий меросни ривожлантиришдаги юксак маданий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, унда бадий ижод, хусусан муסיқа санъати воситасида ёшларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш масалаларига устувор аҳамият берилган. Зеро, муסיқа инсоннинг фақат хурсандчилик кунларида эмас, балки, бошқа эстетик фаолиятида ҳам унга куч-қувват, руҳий мадад беради, ҳаётга, яшашга, ижодга ва гўзалликдан баҳраманд бўлишга чорлайди. Бундан ташқари, ҳақиқий санъат асарлари, хусусан, гўзал муסיқа умумбашарий тилга эга бўлиб, улар барча халқ, элат ва миллатларга таржимонсиз бадий завқ бағишлаш хусусиятига эга. Миллий муסיқанинг бадий хусусиятлари санъаткор, бадий ижод жараёни ва бадий асарда ўз аксини топади.

Ёшлар муסיқа маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлилини қилишда анъанавий ижрочилик якканавозлик, жўрнавозликни қай даражада ўзлаштириб боришликка алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу эса муסיқанинг умумбашариятга хос бўлган ички хусусиятларига боғлиқдир. Зеро, муסיқа усул ва оҳангнинг уйғунлигида пировардига етади.

Маънавий янгиланиш жараёнларида муסיқа маданияти ва санъатига миллий-эстетик қадрият сифатида ёндашиш, муסיқанинг анъанавий ва замонавий йўналишларини янада раванқ топтириш мақсадида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, мумтоз ва замонавий муסיқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, шунингдек, муסיқа маданияти ва санъатини қўллаб-қуватлашга қаратилган илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, муסיқанинг инсон дунёқарашига таъсири, жамият аъзоларининг эстетик идеалларини тарбиялаш билан боғлиқ ишларнинг умумназарий масалаларига янгича ёндашувлар шаклланди. Эндиликда муסיқа нафақат санъат тури балки, у тарбия воситаси, жамият барқарорлигини таъминловчи кучга айланди.



Муסיқага шу нуқтаи назардан қаралганда, бугунги кунда унинг фалсафий моҳиятини ўрганиш, мазмунини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж янада ортганлигини кўриш мумкин. Бу жараён ўз навбатида, муסיқа ва унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини умумназарий масаласи сифатида ўрганишни тақозо этади. Бу ҳолат:

➤ Биринчидан, бугунги кун ўзбек анъанавий муסיқа санъатининг хусусиятларини фалсафий нуқтаи назарда илмий таҳлил этиш ва уни замонавий муסיқа тамойиллари асосида бойитишни талаб этмоқда. Чунки, муסיқа ва унинг эстетик табиати ҳам тарбия, ҳам ижтимоий тараққиётни барқарорлаштирувчи муҳим восита сифатида мафкуравий жараёнларнинг марказида туради;

➤ Иккинчидан, анъанавий муסיқа санъатининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини илмий ўрганиш, унинг жаҳон муסיқий меросидаги ўрнини таҳлил қилиш орқали миллий кадриятларимизнинг нафис ва гўзал жиҳатларини акс эттиришга доир қарашларини тизимлаштириш зарурдир. Зеро, ҳозирги пайтда ўзбек халқ анъанавий муסיқий меросимиз ўзининг гўзал хусусиятлари билан жаҳон муסיқа санъати ва маданиятида муносиб ўринга эга бўлиб бормоқда;

➤ Учинчидан, глобаллашув даврида халқ муסיқасини ижро этиш жараёни ва амалиёти тубдан ўзгариб бормоқда. Бироқ, уни фақат оҳанглар тизими сифатида ўрганиш муаммога бир томонлама ёндашишни келтириб чиқаради. Аслида ўзбек анъанавий халқ муסיқа санъатида оҳанг куй ва нолани уйғунлаштириши билан гўзалликни намоён эттиради ва инсонга эстетик завқ беради;

➤ Тўртинчидан, санъат турлари ичида ўзбек халқ муסיқа санъати ўзига хос шакл ва мазмунга эга. Унинг ўрнини бошқа санъат турлари боса олмайди, у нодир ва бетакрордир. У оҳанг бирикмалари, шакл ва жанрлар, мураккаб усуллар мажмуаси халқ поэтик ижодиётини, турли куйлар бойлигини муайян тартибга солади. Шунинг учун ҳам у халқ муסיқа санъати ва маданиятининг юксак намунаси сифатида намоён бўлади. Муסיқа санъатининг шу хусусиятини эстетик мезонлар асосида тадқиқ этиш масаласи фалсафа илмида хануз мавҳумлигича қолмоқда;

➤ Бешинчидан, ўзбек халқ анъанавий муסיқаси ҳисобланган мақомлар, маросим муסיқалари, фольклор кўшиқлари ўзига хос бадиий-эстетик жанр тизимидир.

Аммо, собиқ шўролар даври тадқиқотчилари ўзбек миллий муסיқасининг эстетик мазмуни ва фаолият тури сифатидаги моҳиятига бир томонлама ёндашиб келдилар. Бу ҳолат пировардида ўзбек халқининг эстетик кадриятида бўшлиқни пайдо қилди. Эндиликда миллий муסיқа меросимизни нафақат тарихий аҳамиятини, балки унинг эстетик муносабатларидаги назарий ва амалий аҳамиятини ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

### References:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон. 2017
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 2-том. 2018. Б. 443, 448
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 3-том. 2019.–Б. 102



4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 4-том. 2020. 344
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2021.
6. Арзиматова И.М. Эстетик маданият. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2007. –Б. 23
7. Арзиматова И.М. Эстетик маданият ва маънавий камолот. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2009. –Б. 61, 102
8. Турсунова Лайло Эргашевна //Признание о международном фольклорном фестивале «Великий шелковый путь», проведённом в городе Маргилан Ферганской области// Проблемы современной науки и образования. 10 (143) 2019. 109-112 стр.
9. Tursunova Laylo //FUNCTIONS OF MUSICAL CULTURE IN THE FORMATION OF A SPIRITUAL WORLD VIEW// World Bulletin of Social Sciences (WBSS). Vol. 6, January, 2022. 72-77 pages.
10. Zoxidova Guzal Erkindjanovna, Tursunova Laylo Ergashevna // BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABLARIDA FAOLIYAT YURITAYOTGAN "O'ZBEK XALQ CHOLG'U ORKESTR"LARI UCHUN REPERTUARLAR TANLASH MASALASI// INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. Vol. 3, № 10. 2022, 61-63 pages.
11. Tursunova Laylo Ergashevna, Xoliqova Sevara Baxodirovna //МАКТАБДА МУСИҚА FANINI O'QITISHDA YANGICHA YONDASHUV// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 8. 2022 782-785
12. Ваходир Собилов, Дилафруз Юлдасхева, Назарова Ирода, & Турсунова Лайло. (2022). MUSICAL WORKS AND THEIR PLACE IN HUMAN LIFE. Archive of Conferences, 53-56.
13. Имямин Қирғизов, Имомова Одинахон //ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ –АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК РАҲИМАХОНИМ МАЗОХИДОВА ТИМСОЛИДА САНЪАТКОР ХОТИРАСИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 7. October 2022. 108-117 pages.
14. Imyamin Qirg'izov //O'ZBEK MUSIQA SAN'ATI RIVOJINING ASOSIY OMILLARI// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 331-336 pages.
15. Imyamin Kirgizov, Kirgizov Iqboljon Imyaminovich, Ahmadjon Nurmammedjanov, Sobirov Bahodirjon Sotvoldievich, Najmetdinova Mavludakhon Mamasodikovna, Ataboeva Shoxidakhon Juraevna // "The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi"// Annals of the Romanian Society for Cell Biology., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 3, 2021, Pages. 2410-2413.
16. Imyamin Kirgizov, Iqbol Kirgizov, Mavluda Najmetdinova, Shohida Atabayeva. (2022). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. Archive of Conferences, 57-60.
17. Sultonali Mannopov, Mavluda Najmetdinova, Shokhida Ataboeva, Iroda Nazarova, Jamoldin Mo'ydinov //Analysis of Research on Aesthetic Features of Uzbek Folk Music// Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). Volume 12, Issue 10, October 2021. 3528-3533 pages.



18. Ulugbek Rahmonov Karimovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodikovna, Ergashev Alijon Abdullaevich //The Role and Importance of Music Clubs in The Leisure of Young People// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. 22-11-2021. 47-49 pages.
19. Sultonali Mannopov, Abdulhay Karimov, Abdusalom Soliev, Ulugbek Isakov, Tokhir Shokirov, Rustam Orziboev //Development of Uzbek National Singing Art during Independence// Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 4, 2021, Pages. 6845-6853.
20. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна //ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 584-588 pages.
21. 14. Mavluda NAJMETDINOVA //Общественно-культурные мероприятия теоретические основы// Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Issue 02(2022). 473-479 стр.
22. Мавлуда Нажметдинова //Оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асослари// Общество и инновации. 02(2022). 473-479 стр.
23. Ulugbek Rahmonov, Alijon Ergashev, Mavludahon Nazhmetdinova, & Shohista Usmonova. (2021). IN SHAPING THE SOCIO-SPIRITUAL THINKING OF YOUNG PEOPLE IN THE MUSICAL ART OF THE GREAT SCHOLARS OF THE EASTERN RENAISSANCE POSITION HELD. Archive of Conferences, 54-57.
24. М.Нажметдинова, Жўрабоева Хакимахон //МАҚОМ САНЪАТИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 3(2), Feb., 2023. 813-817 pages.
25. Najmetdinova Mavluda Mamasodiqovna //SPECIFIC FEATURES OF PUBLIC-CULTURAL EVENTS// International Scientific Journal "Science and Innovation". Series 1. Volume 1. Issue 1. 892-902 pages.
26. Mavludaxon Najmetdinova //YOSHLARNING ESTETIK TARBIYASINI SHAKLLANTIRISHDA – AJDODLAR MEROSINING TUTGAN O'RNI// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 1. ISSUE 6. 990-993 pages.
27. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна //ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 1. ISSUE 6. 282-287 pages.
28. Sharipova Odinakhon Shavkatjon kizi, Najmetdinova Maluda Mamasodikovna //ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР// "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal. Volume 3. Issue 1 / March 2022. 585-588 pages.
29. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна //ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 1. ISSUE 6. 282-287 pages.
30. Шокиров Тохиржон Нурмаматович //МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (фольклор, дostonчилик, мақом мисолида)// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. № 3, 2022. 31-38 pages.
31. Шокиров Тохиржон Нурмаматович //АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МУСИҚА ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 353-359 pages.



32. Takhirjon N. Shakirov //SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE// Oriental Journal of Social Sciences. 08.11.22. Pages: 1-10.
33. Shokirov Tokhirjon Nurmamatovich //THEORETICAL OF NATIONAL MUSIC CULTURE FUNDAMENTALS// European Scholar Journal (ESJ). Vol. 2 №9,SEPTEMBER 2021. 37-39 pages.
34. Шокиров Тохиржон Нурмаматович //ВОРИСИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 457-464 pages.
35. Namozova Diloromkhon, Tohir Shokirov, Akmal Sultonov, Bakhodirjon Sobirov //Competent Approach to Music Education// Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI) Volume 12, Issue 10, October 2021. 3490-3494 pages.
36. Barchinoy Qurbonova, Mamaziyayev Xurshid, Shokirov Toxirjon //TASVIRIY SAN'ATDA O'QITISH USLIBIGA TIZIMLI YONDASHUVNING ROLI VA AHAMIYATI// Humanity and Science Congress Hosted From Ipoh, Malaysia <https://conferencepublication.com> May 2nd 2022. 105-107 pages.
37. Qambarov Abdumutal Axadjonovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodiqovna //MARGILAN LARGE ASHULA SCHOOL// European Scholar Journal (ESJ). Vol. 2 № 5, MAY 2021. 279-283 pages..